

## Хўжаликлараро суғориш тармоқлари ва бош канални дарёдан тўғонсиз сув олиш усулида лойихалаш

### 1. Хўжаликлараро суғориш тармоқларининг ер фонди ва ҳисобий сув сарфларини аниқлаш.

Ҳисоблар жадвал усулида бажарилади (1.1-жадвал):

#### 1.1-жадвал. Хўжаликлараро суғориш тармоқларининг ер фонди ва ҳисобий сув сарфларини аниқлаш

БК бўйича пикетлар	ХАТ нинг номи	ЕФК	ХАТ бўйича майдон, га					Гидромодульнинг ҳисобий қиймати, л/с га	ХАТнинг ФИК		ХАТ нинг брутто сув савфлари, м <sup>3</sup> /с			
			Брутто						Нормал сув сарфи	Минимал сув сарфи	нормал	мини мал	тезлаш тирил ган	
			Гидромодуль Туманлар			Жами	Жами нетто							мах
			I	II	III									
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	3К													
	2К													
	1К													

1.1-жадвални бажариш тартиби:

1- устун – бош канални пикетлангунга қадар тўлдирилмайди;

2,3,4,5,6 – устунлар- топшириқ варақасидан кўчириб ёзилади;

7- устун - 4,5,6 – устунлар йиғиндисидан иборат бўлади;

8-устун – жами нетто майдон қуйидагича аниқланади:

$$\omega^{\text{нет}} = \text{ЕФК} \cdot \omega^{\text{бр}} \quad \text{га} \quad (1)$$

бу ерда:

ЕФК – ердан фойдаланиш коэффициенти (3 – устун);

$\omega^{\text{бр}}$  - ХАТ бўйича брутто ер майдони (7–устун);

9-устун–гидромодульнинг ҳисобий қиймати, яъни салмоқлаштирилган гидромодульнинг максимал қиймати қуйидагича аниқланади:

$$q^{\text{мах}} = \frac{q_1 \cdot \omega_1^H + q_2 \cdot \omega_2^H + q_3 \cdot \omega_3^H}{\omega_1^H + \omega_2^H + \omega_3^H} \quad \text{л/с га} \quad (2)$$

бу ерда:

$q_1, q_2, q_3$  – гидромодуль туманлар бўйича келтирилган гидромодульнинг қиймати, л/с га (топшириқ варақасидан олинади);

$\omega_1^H, \omega_2^H, \omega_3^H$  – ХАТ лар бўйича гидромодуль туманларга тўғри келувчи

брутто майдонлари, га (4,5,6 – устунлар)

10- устун- гидромодульнинг минимал қиймати, қуйидагича ҳисобланади:

$$q^{\min} = 0.4 \cdot q^{\max} \quad \text{л/с га} \quad (3)$$

11, 12-устунлар - ХАТ тизимининг нормал ва мин сув сарфларидаги фойдаланиш коэффициенти  $\eta_{\text{нор}}^{\text{ХАТ}}$ ,  $\eta_{\text{мин}}^{\text{ХАТ}}$  (топширик варақасидан олинади).

13-устун- ХАТ ларнинг нормал брутто сув сарфлари қуйидагича ҳисобланади:

$$Q_{\text{нор}}^{\text{бр}} = \frac{\omega^{\text{нет}} * q^{\max}}{1000 * \eta_{\text{нор}}^{\text{ХАТ}}} \quad \text{м}^3/\text{с} \quad (4)$$

11 юб а4-устун- ХАТларнинг мин брутто сув сарфлари қуйидагича ҳисобланади:

$$Q_{\text{мин}}^{\text{бр}} = \frac{\omega^{\text{нет}} * q^{\min}}{1000 * \eta_{\text{мин}}^{\text{ХАТ}}} \quad \text{м}^3/\text{с} \quad (5)$$

15-устун -ХАТларнинг тезлашган сув сарфлари қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\text{тез}}^{\text{бр}} = Q_{\text{нор}}^{\text{бр}} * K_{\text{тез}} \quad (6)$$

бу ерада:  $K_{\text{тез}}$  -тезлаштириш коэффициенти.

$Q_{\text{нор}}^{\text{БР}}$  - га боғлиқ қуйидаги жадвалдан қабул қилинади

1.2-жадвал

Нормал сув сарфи, $\text{м}^3/\text{с} - Q_{\text{нор}}$	10-50	50-100	100<
Тезлаштириш коэффициенти - $K_{\text{тез}}$	1.15-1.1	1.10-1.05	1.05